

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“Муסיқа ва меҳнат таълими” кафедраси

Исмоилова Фарида Самандар қизининг

5111100- МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БАКАЛАВР

ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН «Муסיқа тинглаш жараёнида

ўқувчиларда муסיқий дидни шакллантириш йўллари »

МАВЗУСИДАГИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ.

Илмий раҳбар: “Муסיқа ва меҳнат таълими ” кафедраси

ўқитувчиси Б.С.Абдурасулов

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....

I.БОБ. Муסיқа тинглаш жараёнида ўқувчиларда муסיқий дидни шакллантиришнинг тарихий ва назарий асослари.....

1.1. Муסיқий дидни шакллантиришнинг мақсад ва вазифалари.....

1.2. Муסיқа тинглашда жараёнида муסיқий дидни шакллантиришнинг хозирги ахволи.....

II.БОБ. Муסיқа тинглашда ҳиссиёт, идрок тарбиясини амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари.....

2.1. Муסיқа тинглашда ўқувчиларда муסיқий дидни амалга оширишнинг шакл ва усуллари.

2.2. Муסיқа тинглаш орқали ўқувчиларнинг муסיқий дидларини шакллантириш йўллари

Хулоса ва амалий тавсиялар.....

Фойдаланилган адабиётлар.....

Интернет материаллари.....

К И Р И Ш

Муаммонинг долзарблиги: Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, ёш авлод маданиятимиз ва маънавиятимизни, тараққиётнинг интеллектуал қадриятларини келажак жамият аъзоларининг онгига етказадилар. Зеро, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш шароитида янгича фикрловчи шахснинг шаклланиши муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда ёшларнинг маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбияланишида миллий муסיқамизнинг роли алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, айнан ёшларимизнинг миллий менталитетимизга ҳос бўлган қадриятларни сақлаб қолишда миллий муסיқа санъатининг ҳам ўз ўрни бор. Маълумки, миллий муסיқа санъатимиз ёшлар ўртасида самимиятни, ўзаро меҳр-оқибатни янада ўстиришга хизмат қилади. Муסיқий таълимнинг мазмун ва моҳияти заминида баркамол авлод, комил инсон тарбияси ётади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда муסיқа санъатини ривожлантириш, фарзандларимиз муסיқий маданиятини оширишга қаратилган қатор дастур ва режалар амалга оширилмоқда. Жумладан, мумтоз муסיқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодларга безавол етказиш ҳамда ёшларимизни уларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш каби эзгу мақсадларга қаратилган «Болалар муסיқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши» муסיқа ривожига янада улкан ҳисса бўлиб қўшилади. Ушбу фармойиш нафақат муסיқа ва санъат мактаблари, балки, умумтаълим мактаблари "муסיқа маданияти" дарсларига бўлган эътиборнинг ҳам кучайишига олиб келди.

Ёшларнинг ҳар томонлама шаклланишида муסיқа тарбиясининг аҳамияти каттадир. Инсонда муסיқани тинглаш маданияти болалиқдан бошланади. Ҳозирги кунда ёшлар кўпроқ Ғарбнинг тушуниб бўлмайдиган, шовқинли куйларни эшитадилар. Бу эса уларнинг онгига салбий таъсир кўрсатади. Уларни

бу йўлдан қайтариш чораларини топиш керак. Муסיқа тинглаш фаолияти мураккаб жараёнدير. Инсон дунёга келган чоғидан бошлаб она алласини тинглайди. Ундан ором олиб ухлайди. Шу ондан бошлаб куйга қўшиққа меҳр қўяди. Бу ёшлар онгига ижобий таъсир кўрсатади. Муסיқа маданияти дарсларида ўқитувчи куй ёки қўшиқни тўғри ва бошидан охиригача тинглашни ўргатиши керак. Ўзбек халқининг куй ва қўшиқлари бисёр. Ёшларни комил инсон қилиб шаклланишида миллий меросимиз катта аҳамиятга эга.

Шу боис, биз тадқиқотимиз мавзусини *«Муסיқа тинглаш жараёнида ўқувчиларда муסיқий дидни шакллантириши йўллари»* деб номладик.

ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ - Муסיқа тинглашда муסיқий дидни шакллантиришнинг самарадарлигини ошириш.

ТАДҚИҚОТНИНГ ОБЪЕКТИ – Умумтаълим мактаби муסיқа маданияти дарслари.

ТАДҚИҚОТ ПРЕДМЕТИ - Муסיқа тинглашда муסיқий дидни шакллантиришнинг самарадарлигини ошириш жараёни.

ТАДҚИҚОТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ :

1. Тадқиқотга оид илмий манбалар билан танишиш.
2. Ўқувчиларнинг муסיқий дидни шакллантиришда муסיқа тинглаш учун асарлар мажмуасини тўплаш.
3. Тўпланган асарни мақсадга мувофиқ тадбиқ этиш.
4. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ.

1. Тадқиқотга тегишли илмий ва педагогик адабиётларни таҳлил қилиш.
2. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш.
3. Мақсадга мувофиқ педагогик кузатишлар олиб бориш

4.Тажриба синов ишларини олиб бориш.

ТАДҚИҚОТНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСИ: Шарқ мутафаккирларининг муסיқий тарбия ҳақидаги фикрлари, муסיқий тарбия ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг давлат хужжатлари киради.

ТАДҚИҚОТНИНГ ЯНГИЛИГИ : Муסיқа тинглашда муסיқий дидни шакллантиришнинг зарурлиги исботланган, тинглаш учун муסיқий асарлар тўпланган, ўқувчиларнинг муסיқа тинглашда ҳиссиёт, идрок тарбиясини шакллантиришга оид тавсияномалар ишлаб чиқилган

ТАДҚИҚОТНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ: ўқувчиларнинг муסיқа тинглашда муסיқий дидни шакллантиришнинг самарадорлигини оширишнинг йўллари асосланган. Тадқиқот натижаларидан умумтаълим мактабларининг муסיқа ўқитувчилари ўз фаолиятлари давомида фойдаланишлари мумкин.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИНГ ТАРКИБИЙ КИСМИ : Кириш, икки боб, тўрт фасл, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйҳати ва иловалардан иборат.

I.БОВ. Муסיқа тинглаш жараёнида ўқувчиларда муסיқий дидни шакллантиришнинг тарихий ва назарий асослари.

1.1. Муסיқий дидни шакллантиришнинг мақсад ва вазифалари.

Муסיқа эшитиш қобилияти – умумий эшитиш қобилиятининг асосий тури бўлиб, одамнинг эшитиш қобилиятининг муסיқани яхши қабул этиш маҳорати. Эшитиш қобилияти қандайдир бир тананинг тебранишининг ҳаво тўлқинлари орқали бизнинг қулоғимиздан, ички қулоқнинг эшитиш асосларидан кўзғалиши билан, бош миёда қандайдир бир тушунчани пайдо қилади. Борлиқ диққат билан тинглаган вақтимизда эшитиш қобилиятимиз яхши ишлайди, диққатимиз бошқа нарсаларга бўлиниб чала тингланса одамнинг эшитиш қобилияти суст ишлайди.

Муסיқани эшитиш қобилиятининг умумий эшитиш қобилиятидан ўзгачалиги 16дан 4000 герц оралиғидаги муסיқа овозларини тинглаб билишдир.

Муסיқа эшитиш қобилияти абсолют ва солиштирма бўлиб иккига бўлинади. Абсолют эшитиш қобилияти туғма қобилият бўлиб, бу қобилиятга эга одамлар эшитилган муסיқанинг тонлигини, бошқа даражаларини эшитиши билан такрорлаб айтиб – чалиб бера оладиган бўлади.

Солиштирма эшитиш қобилиятига эга муסיқачилар, эшитган муסיқанинг тонлигини, ноталарни аниқ айра ололмагани билан, муסיқа асбоблари ёрдамида абсолют эшитиш қобилиятга эга муסיқачидан яхши чалиш қобилиятига эга бўлиши мумкин. Масалан: композитор абсолют эшитиш қобилиятига эга бўлмасда, солиштирма эшитиш қобилияти биланоқ яхши муסיқа басталаш мумкин. Муסיқали эшитиш қобилияти ташқи эшитиш қобилияти ва ички эшитиш қобилияти бўлиб иккига ажратилади. Ташқи эшитиш қобилияти – бу эшитган муסיқани қабул этиш бўлса, ички эшитиш қобилияти эса муסיқани эшитмасда-да, фикр юритиши, нотани кўрибоқ эшитгандай бўлиб муסיқадан

таъсирлана олади. Бизнинг асосий вазифамиз болаларнинг ички эшитиш қобилиятини ривожлантириш учун иш олиб боришдир. Биринчи навбатда болага музикани борлиқ диққати билан тинглашни ўргатишимиз керак.

Музиқа эшитиш қобилияти ташқи овозлар таъсирида пайдо бўлади. Эсада сақлаш ва кўз олдига келтириш, мустақил ҳолда овозларни музиқа образларни тушинишни ўргатиш керак. Кичик ёшдаги болаларнинг музикали эшитиш қобилиятини ривожлантириш учун болалар боғчаларида ўйин, музикали ҳаракат, музиқа асбобларини танлаш ва қўшиқ айтиш усуллари орқали ишлар ишлаб борилади. Кичик ёшдаги болаларга қизиқарли, қувноқли ёзилган ўйин музикалари тез таъсир этади ва эшитиш қобилияти фаоллашади.

Музиқа мактабларида билим оладиган ўқувчиларда музиқа эшитиш қобилияти асосий ўринни эгаллайди. Сабаби, улар келажакда профессионал музикачи бўлиб этишишида катта роль эгаллайди. Музиқа мактабига ўқишга келган боланинг биринчи навбатда эшитиш қобилияти текширилади. Фортепиано асбоби ёрдамида текшириб, уларни эшитиш қобилиятининг қандай даражада эканлигини аниқлаш керак бўлади. Ўқувчига ҳар хил баландликдаги ноталарни чалиб бериб, ундан жавоб олишга ҳаракат қилади. Агар бола чалинган ноталарни овозлаб айтиб, уларнинг йўғон ёки ингичка товуш эканини аниқлаб билса, унда у солиштирмали қобилиятга эга эканлигини сезишга бўлади. Агар бола чалинган нотани тинглаб, шу асбобда уни топиб кўрсатса, ёки чалиб берса, унинг абсолют эшитиши қобилиятига эга эканлигини сезамиз.

Ташқи эшитиш қобилиятини ривожлантириш учун қуйидаги бир қанча бошланғич машқлар тавсия этилади.

1. Борлиқ диққатни бир товушга қаратиши: фортепианада қуйидаги актавалардан бир товуш чалиб, товуш тўлиқ чўзилганча борлиқ диққат билан тинглаши керак. Шунингдек, биринчи марта шундай усулда бошқа товушларни тинглаб ўрганиш керак. Бу машқ натижасида борлиқборлиқ диққат билан

тингланган товуш кулоққа яхши сингади ва эшитиш, эшитган товушни яхши тушуниш қобилиятипайдо бўлади.

2. Юқоридаги усулда бирининг ичидан бири чалинган икки товушни тинглаб ўрганиш керак. Бу икки товушдан пайдо бўлган фикрни бир жойга тўплаб, бошқа-ноталардан такрорлаб ўрганиш керак.

3. Учинчи машқда бир вақтда чалинган икки товушни тинглаб ўрганиш натижасида, икки товушни бир-бирига солиштирган пайтда диққат қаратилиши керак.

Миллатнинг келажаги хисобланган ёш авлодни ҳар томонлама етук шахс бўлиб вояга етишишида, уларнинг таълим-тарбияси, маънавий камолоти масаласи давлат даражасига кўтарилиб, бу йўлда қатор мақсадли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаш жараёни жадаллашиши муносабати билан ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиясининг аҳамияти сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда мусиқа санъатини ривожлантириш, фарзандларимиз мусиқий маданиятини оширишга қаратилган қатор дастур ва режалар амалга оширилмоқда. Жумладан, мумтоз мусиқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодларга безавол етказиш ҳамда ёшларимизни уларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш каби эзгу мақсадларга қаратилган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши»¹ мусиқа ривожига янада улкан ҳисса бўлиб қўшилади. Ушбу фармойиш нафақат мусиқа ва санъат мактаблари, балки, умумтаълим мактаблари "мусиқа маданияти" дарсларига бўлган эътиборнинг ҳам кучайишига олиб келади.

¹ «Халқ сўзи» газетаси. 2008-йил. 8 январ.

Муסיқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади. Энг мухими, бугунги кунда муסיқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда², деган фикрларни ўқиймиз.

Хақиқатда ҳам инсон шахсини ҳар томонлама тарбияланишида муסיқа тарбиясининг аҳамияти беқиёсдир. Айниқса, бугунги техниканинг мисли кўрилмаган даражада авж билан юксалиши даврида мутахассислар олдида ёшлар қалбига муסיқанинг ижобий ҳислатларини тўғри сингдира олишдай муҳим вазифа турибди. Жумладан, хозирда кўплаб ёшларимизнинг Ғарбнинг тало-тўп, шовқин-суронга бой, тушунарсиз муסיқасини тинглаши, бунинг оқибатида ўсиб келаётган ёш авлоднинг келажагига салбий таъсир кўрсатишини англаб, бунинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш зарурдир.

Маълумки, умумтаълим мактаблари муסיқа маданияти дарсларидаги фаолият турларидан бири муסיқа тинглаш фаолиятидир. Муסיқани тўғри тинглай билиш ва ундан завқ олиш ҳам катта санъат ҳисобланади. Инсонда муסיқа тинглаш маданияти ёшликдан ривожлана бошлайди. Бу борада айтиш мумкинки, хали она корнидалик давридаёқ ўсиб келаётган ҳомила ташқаридан эшитилган муסיқани тинглай олади. Бу борада ўтказилган

тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, мумтоз, хусусан, Шарқ халқларининг мумтоз куй ва ашулалари, жаҳон классик оҳанглари ҳар қандай ҳолатда ҳам инсонга ижобий таъсир кўрсата олади. Аксинча, ўзида тўполон, шовқин-суронликни акс эттирган муסיқий гуруҳларнинг «асар»лари инсонда жирракилик, тезлик каби салбий ҳислатларни ривожлантиради. Шу сабабдан умумтаълим мактаби муסיқа маданияти фани ўқитувчиси муסיқа маданияти

² И.Каримов. "Юксак маънавият-енгилмас куч" Тошкент-2008й. 140-141 бетлар.

дарсларида болаларда мусиқани тўғри тинглай олиш маданиятини шакллантира олиши зарур.

Ҳар бир халқнинг миллий куй ва қўшиқлари мавжуд. Лекин ёш авлодни комил инсон бўлиб тарбия топишида ўзбек халқигагина мансуб бўлган бой мусиқий мероси алоҳида аҳамиятлидир. Баркамол авлод тарбиясида халқимизнинг орзу-умидлари, ҳаётий кечинмалари, маънавий дунёсини ўзида акс эттирган, алла, лапар, меҳнат ва маросим ҳамда бошқа халқ қўшиқлари муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ана шундай бой меросни ўсиб келаётган ёш авлод онгига сингдириш бугунги кун мусиқа маданияти фани ўқитувчисининг олдидаги муқаддас бурчлардан бири бўлмоғи шартдир. Мазкур фаолият турини кенгайтиришни тўғри йўлга қўйишни аввало оиладан, мактабгача таълим муассасаларидан, бошланғич синф давридан бошлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунинг учун таълим муассасасининг мутахассиси турли фаолият шаклларидан фойдаланиши зарур. Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида мазкур жараёни ўйин кўринишида ташкил қилиш мумкин.

"Оҳангни топинг"- билафонлар ўйини орқали кичик ёшдаги ўқувчиларнинг мусиқа тинглаш бўйича эгаллаган билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш, кенгайтириш мумкин. Ушбу ўйинни ташкил қилишдан олдин болалар диққатини бир жойга жалб қилиб, мазкур ўйиннинг моҳияти тушунтириб берилади. Бу ўйинни кичик гуруҳлараро мусобақа тарзида ўтказилиши мақсадга мувофиқ саналади. Асосан ўзбек халқ куй ва қўшиқларидан берилган парчалар ўқувчиларни фикрлашга, ўйлашга ундайди. Ўқитувчи доимий равишда ўқувчиларга уйга вазифа қилиб уйда телевидение, радио орқали тингланган куй ва қўшиқларни таҳлил қилишни топширса, бу ҳолат ўқувчиларнинг доимий равишда мусиқани тўғри тинглай олиш маданиятини шакллантириш ва мусиқани тўғри тинглай олиш малакаларининг ўсишига ҳам олиб келади. Бундан ташқари ўқувчиларнинг мактабдан ва синфдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишда

турли мавзудаги тадбирларнинг ташкил қилиниши ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Масалан: “Миллий куй ва оҳанглар кечаси”, “Сиз музикани биласизми?” викторинаси, “Оҳанглар-эзгуликка етаклар” сингари бадиий-музикаий тадбирлар орқали ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш билан бир қаторда уларнинг музикани тинглай олиш маданиятини ҳам ривожлантиради.

Дарҳақиқат, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида музикаий тарбиянинг нақадар улкан омил эканлиги янада аён бўлиб бормоқда. Шундай экан, ёш авлодни бой музикаий меросимизни урганишга, енгил-елпи, тумтароқ оҳанглардан қочиб, уларнинг бадиий дидини, музикаий маданиятини кўтаришга, маънавий оламини кенгайтиришга ҳаракат қилмоғимиз керак. Бу борада «Шашмақом» сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналари билан бир бир қаторда жаҳон тан олган Моцарт, Бетховен, Бах, Чайковский, Рахманинов, Хачатурян каби буюк композиторларнинг дурдона асарларини ҳам ўз вақтида ўргатиб, тушунтириб боришимиз зарур.

Буюк ёдгорликлар, маданий ва маънавий меросимизни авайлаб асрашимиз, ёш авлод тарбиясида музика санъатининг энг нодир дурдоналаридан тулақонли фойдаланмоғимиз зарур.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосалар қилиш мумкин:

- музика тинглаш асосида тарбия беришни бугунги кунда оиладан, мактабгача таълим муассасаларидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Бунда қатъий дастурлар ишлаб чиқилишини йўлга қўймоқ, зарур, шу билан бир қаторда турли ҳил аудио ёзувларни МТМ ва умумтаълим мактабларига етказиш масалаларини ишлаб чиқиш; - ёшларимизнинг миллий музикамизни тинглай олиш малакаларини шакллантириш ва унга нисбатан мухаббатларини шакллантириш ишлари умумтаълим мактабларида дарсдан ташқари кўнгилочар тадбирлар, санъаткорлар билан учрашувлар тарзида амалга оширишни йўлга қўйиш;

- олий таълим муассасаларида мусиқий таълим йўналишидан ташқари бўлган таълим, фан йўналишларида таҳсил олувчи талаба-ёшлар билан ҳам мусиқа тинглаш тарғиботини йўлга қўйиш, жонли ижро маҳоратлари юқори бўлган эл ардоғидаги санъаткорлар билан учрашувларни ташкил этиш каби турли кўриниш ва шаклдаги тарғибот ишлари орқали ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида мусиқа тинглаш маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш ишлари кўламининг кенгайишига эришиш мумкин.

Ҳар бир халқнинг миллий куй ва қўшиқлари мавжуд. Лекин ёш авлодни комил инсон бўлиб тарбия топишида ўзбек халқигагина мансуб бўлган бой мусиқий мероси алоҳида аҳамиятлидир. Баркамол авлод тарбиясида халқимизнинг орзу-умидлари, ҳаётий кечинмалари, маънавий дунёсини ўзида акс эттирган, алла, лапар, меҳнат ва маросим ҳамда бошқа халқ қўшиқлари муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ана шундай бой меросни ўсиб келаётган ёш авлод онгига сингдириш бугунги кун мусиқа маданияти фани ўқитувчисининг олдидаги муқаддас бурчлардан бири бўлмоғи шартдир. Мазкур фаолият турини кенгайтиришни тўғри йўлга қўйишни аввало оиладан, мактабгача таълим муассасаларидан, бошланғич синф давридан бошлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунинг учун таълим муассасасининг мутахассиси турли фаолият шаклларидан фойдаланиши зарур. Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида мазкур жараёни ўйин кўринишида ташкил қилиш мумкин.

Миллатнинг келажаги ҳисобланган ёш авлодни ҳар томонлама етук шахс бўлиб вояга етишишида, уларнинг таълим-тарбияси, маънавий камолоти масаласи давлат даражасига кўтарилиб, бу йўлда қатор мақсадли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаш жараёни жадаллашиши муносабати билан ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиясининг аҳамияти сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Умумтаълим мактабларида мусиқий таълим-тарбиянинг муҳим вазифаларидан

бири-ўқувчиларда музикани хис этиш малакаларини ўстириш, унга эмоционал муносабатни шакллантиришга эришишдир. Бу жараён дарсадаги музикий фаолиятларнинг барча турлари асосида амалга оширилади. Масалан: кўшиқни ўрганиш учун уни аввало, эшитиш, куйнинг соф оҳанггига, музикий ривожига қулоқ солиш: музикага чолғуларда ритмик жўр бўлиш, рақс ҳаракатларини бажаришда унинг ўзгаришини хис этиб, асарга ўз муносабатини кўрсата олиш муҳимдир. Шу билан бир қаторда музика идроки дарсадаги фаолиятларнинг мустақил турларидан биридир. Методик адабиётларда музикани хис этиш музика тинглаш деб ҳам юритилади. Бунда ўқувчилар ўзлари ижро эта оладиганга нисбатан анча мураккаб асарлар билан танишадилар. Лекин бундай асарларни тинглаш жараёни фақатгина музика билан танишувдан иборат бўлмаслиги лозим. Муҳими-ўқувчиларда музикий асарларини тўла қонли идрок этиш учун лозим бўлган билим , малака, кўникмаларини шакллантириш, уларнинг музикий, ижодий қобилиятларини ҳамда музикий дид ва қизиқишларини ўстириш.

Музикани тинглаганда уни хис қилиш, музикий дидни ўстириш – мураккаб психологик жараён бўлиб, унинг асосида реал борлиқнинг образлар орқали музикий товушларда акс этишини эшита олиш ва ундан таъсирланиш қобилияти ётади. Музикий асар оламига “кириб бориш” музика кайфиятини хис этиш, ғоясини тушиниб етиш, тингловчининг ўзига хос ижодий фаолияти туфайли рўй беради, чунки у тингловчининг шахсий тажрибасини (музикий, ҳаётий)ўз ичига олади. Шунинг учун музикашунослар музика тинглаш ақлнинг кучли фаолияти ва ўзига хос ижоддир деб таъкидлайдилар.

Музикани хис қилишга, идрок қилишга нисбатан “Тушиниш” ва “севиш” иборалари қўлланилади. Музикани тушиниш деганда уни нафақат ҳиссий қабул қилиш, балки онг билан ҳам тушиниш, яъни у нимани ва қандай ифодалаётганини хис этиш назарда тутилади. Музикани севиш- музика билан мулоқатда бўлишга эҳтиёж хис этишдир. Бу иборалар гоҳида бир деб ҳисобланади, баъзида эса бир бирига зид қўйилади. “Мен музикани севаман,

аммо тушинмайман”. Шундай савол туғилади: мусиқани севиш учун уни тушиниш шартми ? Мусиқани севиш, ундан таъсирланиш учун балки тушуниш шарт эмасдир. Аммо бунда тингловчи оммавий куй қўшиқлар доирасидан чиқа олмайди, чунки чолғу, вокал, сахна мусиқасининг юксак намуналарини, яъни “жиддий” деб аталмиш мусиқана тинглаш, севиш, тушуниш учун бадиий савия, яъни мусиқий билим ва малакалар талаб этилади.

Мусиқий тайёргарлик асарни ёрқинроқ , тўлақонли ва чуқур идрок этишга ёрдам беради. Ўқувчиларда, айниқса, бошланғич синф ўқитувчиларида, мусиқани ҳис этиш ва идрок этиш малакаларини ривожлантириш мураккаб вазифа. Ўқувчи мусиқани бутунлигича умумий характер, кайфият, сифатида идрок этади. Улар “ғамгин қувноқ” , “чаққон секин”, “баланд паст”, марш, қўшиқ , ракс каби контраст образларни енгил фарқлайдилар, аммо шу билан бир қаторда асарни доимо ҳам бошидан охиригача ҳаёлларини бузмасдан тинглай олмайдилар. Кўпинча асарнинг бошланғич тактларинигина тинглаб, давомини эшитмайдлар. Шунинг учун асарни бошидан охиригача тинглаш ва идрок қилишга ўргатиш ўқитувчининг асосий вазифаларидан биридир. Мусиқа да ҳар дақиқада ўзгариш содир бўлади, яъни товушлар қайтарилади, ўзгаради, товушлар турли кайфиятларга бирлашади деган фикрни ўқувчиларга тушунтиришлари лозим. Бунда мусиқанинг ифода воситаларининг болалар томонидан ўзлаштирилиши катта ёрдам беради: асар қандай жаранглапти, бу кайфият қандай воситалар орқали берилган ? деган саволларга жавоб бериш учун ўқувчилар куйнинг характерига , ритмик кўриниши темпи, динамикасига қулоқ солишлари керак.

Бошланғич синфларда ўқувчилар халқ мусиқасининг оммавий жанрларига кирувчи “Дилхирож” “Дўланча” “Чертмак” “Қашқарча” “Қора соч” “Норим норим” “Лазги ” каби кўплаб асарларни якканавоз, чолғу дасталари ва оркестр ҳамда хор жамоаси ижросидаги вариантларда тинглайдилар.

Бу асарларни тинглаш, идрок этиш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларга мусиқий асарни бошидан охиригача диққат билан тинглашини: унинг

эмоционал мазмунини ҳис этишни; оддий таҳлил этишини кузатади. Тинглашдан олдин болалар диққатини жамлаш, фаоллаштириш учун ўқитувчи ўқувчилар олдига уларнинг муסיқий тайёргарлиги даражасидан келиб чиққан ҳолда турли вазифалар қўйиши мумкин. Масалан;

1. “Ҳозир сиз унча катта бўлмаган муסיқий асар, муסיқий пьеса тинглайсиз. Сиз бу асарга нима деб ном берган бўлардингиз?”
2. Сиз ўзбек халқ куйларидан “Муножат” ни тинглайсиз. Муסיқани тингланг ва ўйлаб кўринг. Нима учун асар шундай номланади ?
3. Муסיқани диққат билан тингланг ва айтинг. Асарда бир кайфият акс этадими ёки бир неча кайфият берилганми. Бундай вазифа саволлар болаларда муסיқани тинглаш хошишини уйғотади, муסיқий идрокни фаоллаштиради. Болалар асар мазмуни , муסיқий нутқ воситаларининг ифодавийлигини англашга ҳаракат қиладилар .Уларда муסיқа ҳақида фикр юритиш, унга эстетик баҳо бера олиш малакалари шакллана бошлайди.

1.2. Муסיқа тинглашда жараёнида муסיқий дидни шакллантиришнинг ҳозирги аҳволи

Бугунги кун ўқитувчиси ўз фанини мукамал билиши шарт. Шу жумладан, муסיқа фани ўқитувчиси ҳам. Бу ҳол, ўқитувчилардан кўпроқ ўқиб ўрганишни ва изланишни талаб қилади. Бизга маълумки, бола дунёга келиб улғаяр экан у “ёзиш-чизиш”дан олдин эшитган куйни ҳис қилади ва қўлларини кўтаради, бошини уёқ бу ёққа тебратади.

Шунинг учун айтамикки ўқувчи ёшларнинг маънавий маданиятини ўстириш ва тафаккурини бойитишда муסיқа дарслари муҳим аҳамиятга эга. Муסיқа тинглаш орқали ўқувчиларнинг ҳиссиёти ва муסיқий идроки такомиллашиб боради. Бошланғич синф ўқувчиларида айниқса кўшиқ

куйлашга, музика тинглашга ҳошиш кучли бўлади. Уларни фикрлашга , ритмик ҳаракат қилишга ўргатади.

Музика тинглаш орқали ўқувчиларда ҳиссиёт ва идрок тарбиясини бериш ишидаги етакчилик хусусияти мактаб музика маданияти дарсларида ўтиладиган куйларда, кўшиқларда, лапарларда, достонларда ўз аксини топган:

Мисол учун М.Мирзаевнинг *“Баҳор вальси”* куйини тинглаганда тингловчи юртимизга баҳор фасли келганини, боғларда кушларнинг сайраши, далаларда тракторларнинг овози, тоғларда кўй кўзиларнинг мараши эшитилиб тургандай яъни уйғониш даври бошланганини ҳис қилади. Ўқувчилар музика асарини диққат билан тинглашса , кўп нарсаларни билиб оладилар ва билиш , ақллий фаолиятлари ҳам фаоллашади.

Кўшиқ куйлаш, музика саводи каби музика тинглаш ҳам музика маданияти дарсларининг асосий қисмларидан биридир. Ўқитувчи болаларга музикани тўлиқ , бошидан охиригача тинглашга ўргатиши керак. Шунда мақсадга тез эришилади. Айниқса боқча болаларининг музика тинглаш қобилиятини ривожлантириш бир мунча осон бўлади. Негаки болалар боқчаларида музикали ҳаракатлар, қизиқарли ўйинлар орқали ишлар олиб борилади.

Ҳақиқатдан ҳам, музика тинглаш орқали ўқувчиларнинг ақл-идрокини ўстириш, миллий меросимиздан баҳраманд қилиш, умумбашарий кадриятлар руҳида тарбиялаш истиқлол талабидир. Демак, бугунги ўқитувчи-таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, таълим-тарбия жараёнини жаҳон ривожланган таълим даражасига кўтаришда фаол иштирок этиши билан бирга ўқувчилар қалби ва онгида ижобий ҳислатларни шакллантириши муҳим аҳамиятга эга!

II. БОБ. МУЗИКА ТИНГЛАШДА ҲИССИЁТ, ИДРОК ТАРБИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ.

2.1. Муסיқа тинглашда ўқувчиларда муסיқий дидни амалга оширишнинг шакл ва усуллари

Муסיқа тинглаш – ўқувчиларнинг муסיқий таъасуротини бойитиш, тасаввурини кенгайтириш, тинглаш қобилиятини ўстириш ва муסיқий дидини тарбиялашда дарснинг муסיқа тинглаш фаолияти катта рол ўйнайди. Дарснинг бу фаолият турида ўқувчилар муסיқа ўқитувчиси ижросида, электрофон, магнитофон ёрдамида енг нодир муסיқа асарларининг намунали ижросини тинглайдилар. Хор, оркестр, ансамбл ва якканавозлар ижросида турли жанрдаги классик асарлар билан танишадилар, санъатнинг катта даргоҳига илк бор қадам ташлайдилар. Муסיқанинг санъат сифатида тасвирлаш қудратини, табиат ва ҳаёт гўзаллигини воқелик ва хатти-ҳаракатлардаги қайтарилмас, кўз илгамас қирраларини муסיқий оҳангдаги ранг-баранг бўёқларда идрок етадилар, чуқурроқ хис етадилар. Куйлар ўқувчиларнинг хотирасида чуқур ўрнашиб қолиши учун бу куйларнинг оҳангларини ўқувчилар билан куйлаб кўриш тавсия етилади. Айниқса, асар муסיқа асбоби ижросида тингланиб, сўнг куйлаб кўриш орқали қайта мустаҳкамланади. Шунини ездан чиқармаслик керакки, асарларни яхши есда қолдириш учун камида 2-3 марта ешиттириш, ҳар гал куйнинг янги-янги динамик қирралари билан ўқувчиларни таништириб бориш лозим. Куйларни тинглаш билан ўқувчилар муסיқанинг турли жанрлари - марш, кўшиқ ва рақс ҳақида батафсил тушунчага ега бўладилар. Дарснинг ҳар уч асосий қисми алоҳида-алоҳида ажралиб қолмаслиги, аксинча улар бир-бири билан узвий боғлиқ холда дарс-нинг мазмуни бир бутун бўлишини таъминлаши лозим. Ўқувчиларнинг ижрочилик маҳоратини такомиллаштириш ва уларнинг ўзаро уйғун куйлашини мустаҳкамлашда баъзан уларни (синф сахнаси)га чиқариб куйлатиш самара беради. Кўшиқ тугал ўрганиб бўлинганч, хафтада ёки чорак охирида ўқувчилар «Синф концерти» берадилар. Сахнага чиқиш, синфдошлари орасида ўз ўрнини топиб туриш, куйлаганда бир-бирларини хис

қилиш ва ўз жойига бориб ўтириш каби сахна маданиятига қатъий амал қила бориш ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларига ва хулқига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. «Сахнада» куйлаш ўқувчиларнинг кўшиқни қай даражада ўрганиб олганлигини аниқлаш, асарнинг айрим жумлаларини «Пишитиб» олиш ва кўшиқни тантанали шароитда намойиш қилиш имкониятини беради. «Синф концерти» ўқувчилар учун чексиз қувонч бахш етувчи машғулотга айланади.

"Оҳангни топинг"- билафонлар ўйини орқали кичик ёшдаги ўқувчиларнинг музика тинглаш бўйича эгаллаган билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш, кенгайтириш мумкин. Ушбу ўйинни ташкил қилишдан олдин болалар диққатини бир жойга жалб қилиб, мазкур ўйиннинг моҳияти тушунтириб берилади. Бу ўйинни кичик гуруҳлараро мусобақа тарзида ўтказилиши мақсадга мувофиқ саналади. Асосан ўзбек халқ куй ва кўшиқларидан берилган парчалар ўқувчиларни фикрлашга, ўйлашга ундайди. Ўқитувчи доимий равишда ўқувчиларга уйга вазифа қилиб уйда телевидение, радио орқали тингланган куй ва кўшиқларни таҳлил қилишни топширса, бу ҳолат ўқувчиларнинг доимий равишда музикани тўғри тинглай олиш маданиятини шакллантириш ва музикани тўғри тинглай олиш малакаларининг ўсишига ҳам олиб келади. Бундан ташқари ўқувчиларнинг мактабдан ва синфдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишда турли мавзудаги тадбирларнинг ташкил қилиниши ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Масалан: "Миллий куй ва оҳанглар кечаси", "Сиз музикани биласизми?" викторинаси, "Оҳанглар-эзгуликка етаклар" сингари бадиий-музикавий тадбирлар орқали ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш билан бир қаторда уларнинг музикани тинглай олиш маданиятини ҳам ривожлантиради.

Ўқувчиларда музика тинглаш, музикани ҳис қилиш, музикавий дидни ривожлантириш бир қанча қонуниятларга асосланади.

1. Ўқувчиларни музикани диққат билан тинглашга, музика “оқимини” кузатишга ўргатиш лозим. Тинглаш фаол бўлиши учун уни ташкил этиш ва бошқариш талаб этилади.

2.Музика тинглаш мақсадга йўналтирилган бўлиши керак.

3.Болаларда музикага нисбатан ҳиссий муносабатни шакллантириш. Бунинг учун дарсда қўлланиладигин асарлар бадий жиҳатдан етук бўлиши, ёрқин образли, қизиқарли, мазмунан болаларга яқин, уларнинг эҳтиёжига жавоб бериши лозим.

4.Берилаётган материаллар болалар ёшига мос бўлиши ва ўзлаштирилиши керак. Пухта ўзлаштирилган асаргина болаларда музикаий дунё қарашни кенгайтиради, уларда бадий дидни шакллантиради, болаларда музика идрокни ривожлантиради. Музикаий таълимнинг муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларда музикани ҳис қилиш, музикани идрок этиш малакаларини ривожлантириш,унга эмоционал муносабатни шакллантиришга эришишдир.Ўқувчиларда музикаий идрокни шакллантириш уларни музикани инсон ҳиссиётлари, кечинмалари , ҳаётий ғоя ва образларни акс эттирувчи санъат сифатида қабул қилишга ўргатиш демакдир.

2.2.Музика тинглаш орқали ўқувчиларнинг музикаий дидларини шакллантириш йўллари

Миллатнинг келажаги хисобланган ёш авлодни ҳар томонлама етук шахс бўлиб вояга етишишида, уларнинг таълим-тарбияси, маънавий камолоти масаласи давлат даражасига кўтарилиб, бу йўлда қатор мақсадли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаш жараёни жадаллашиши муносабати билан ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиясининг аҳамияти сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, ёш авлод маданиятимиз ва маънавиятимизни, тараққиётнинг интеллектуал кадриятларини келажак жамият аъзоларининг онгига етказадилар. Зеро, ҳуқуқий демократик давлат ва фукаролик жамиятини куриш шароитида янгича фикрловчи шахснинг шаклланиши муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда ёшларнинг маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбияланишида миллий мусиқамизнинг роли алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, айнан ёшларимизнинг миллий менталитетимизга ҳос бўлган кадриятларни сақлаб қолишда миллий мусиқа санъатининг ҳам ўз ўрни бор. Маълумки, миллий мусиқа санъатимиз ёшлар ўртасида самимиятни, ўзаро меҳр-оқибатни янада ўстиришга хизмат қилади. Мусиқий таълимнинг мазмун ва моҳияти заминида баркамол авлод, комил инсон тарбияси ётади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда мусиқа санъатини ривожлантириш, фарзандларимиз мусиқий маданиятини оширишга қаратилган қатор дастур ва режалар амалга оширилмоқда. Жумладан, мумтоз мусиқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодларга безавол етказиш ҳамда ёшларимизни уларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш каби эзгу мақсадларга қаратилган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши»¹ мусиқа ривожига янада улкан ҳисса бўлиб қўшилади. Ушбу фармойиш нафақат мусиқа ва санъат мактаблари, балки, умумтаълим мактаблари "мусиқа маданияти" дарсларига бўлган эътиборнинг ҳам кучайишига олиб келади.

Мусиқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади.

¹ «Халқ сўзи» газетаси. 2008-йил. 8 январ.

Энг муҳими, бугунги кунда муסיқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда ²", деган фикрларни ўқиймиз.

Хақиқатда ҳам инсон шахсини ҳар томонлама тарбияланишида муסיқа тарбиясининг аҳамияти бекиёсдир. Айниқса, бугунги техниканинг мисли кўрилмаган даражада авж билан юксалиши даврида мутахассислар олдида ёшлар қалбига муסיқанинг ижобий ҳислатларини тўғри сингдира олишдай муҳим вазифа турибди. Жумладан, хозирда кўплаб ёшларимизнинг Ғарбнинг тало-тўп, шовқин-суронга бой, тушунарсиз муסיқасини тинглаши, бунинг оқибатида ўсиб келаётган ёш авлоднинг келажагига салбий таъсир кўрсатишини англаб, бунинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш зарурдир.

Маълумки, умумтаълим мактаблари муסיқа маданияти дарсларидаги фаолият турларидан бири муסיқа тинглаш фаолиятидир. Муסיқани тўғри тинглай билиш ва ундан завқ олиш ҳам катта санъат ҳисобланади. Инсонда муסיқа тинглаш маданияти ёшликдан ривожлана бошлайди. Бу борада айтиш мумкинки, хали она корнидалик давридаёқ ўсиб келаётган ҳомила ташқаридан эшитилган муסיқани тинглай олади. Бу борада ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, мумтоз, хусусан, Шарқ халқларининг мумтоз куй ва ашулалари, жаҳон классик оҳанглари ҳар қандай ҳолатда ҳам инсонга ижобий таъсир кўрсата олади. Аксинча, ўзида тўполон, шовқин-суронликни акс эттирган муסיқий гуруҳларнинг «асар»лари инсонда жирракилик, тезлик каби салбий ҳислатларни ривожлантиради. Шу сабабдан умумтаълим мактаби муסיқа маданияти фани ўқитувчиси муסיқа маданияти дарсларида болаларда муסיқани тўғри тинглай олиш маданиятини шакллантира олиши зарур.

Ҳар бир халқнинг миллий куй ва кўшиқлари мавжуд. Лекин ёш авлодни комил инсон бўлиб тарбия топишида ўзбек халқигагина мансуб бўлган бой

² И.Каримов. "Юксак маънавият-енгилмас куч" Тошкент-2008й. 140-141 бетлар.

музиқий мероси алоҳида аҳамиятлидир. Баркамол авлод тарбиясида халқимизнинг орзу-умидлари, ҳаётий кечинмалари, маънавий дунёсини ўзида акс эттирган, алла, лапар, меҳнат ва маросим ҳамда бошқа халқ кўшиқлари муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ана шундай бой меросни ўсиб келаётган ёш авлод онгига сингдириш бугунги кун музика маданияти фани ўқитувчисининг олдидаги муқаддас бурчлардан бири бўлмоғи шартдир. Мазкур фаолият турини кенгайтиришни тўғри йўлга қўйишни аввало оиладан, мактабгача таълим муассасаларидан, бошланғич синф давридан бошлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунинг учун таълим муассасасининг мутахассиси турли фаолият шаклларида фойдаланиши зарур. Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида мазкур жараёни ўйин кўринишида ташкил қилиш мумкин.

"Оҳангни топинг"- билафонлар ўйини орқали кичик ёшдаги ўқувчиларнинг музика тинглаш бўйича эгаллаган билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш, кенгайтириш мумкин. Ушбу ўйинни ташкил қилишдан олдин болалар диққатини бир жойга жалб қилиб, мазкур ўйиннинг моҳияти тушунтириб берилади. Бу ўйинни кичик гуруҳлараро мусобақа тарзида ўтказилиши мақсадга мувофиқ саналади. Асосан ўзбек халқ куй ва кўшиқларидан берилган парчалар ўқувчиларни фикрлашга, ўйлашга ундайди. Ўқитувчи доимий равишда ўқувчиларга уйга вазифа қилиб уйда телевидение, радио орқали тингланган куй ва кўшиқларни таҳлил қилишни топширса, бу ҳолат ўқувчиларнинг доимий равишда музикани тўғри тинглай олиш маданиятини шакллантириш ва музикани тўғри тинглай олиш малакаларининг ўсишига ҳам олиб келади. Бундан ташқари ўқувчиларнинг мактабдан ва синфдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишда турли мавзудаги тадбирларнинг ташкил қилиниши ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Масалан: "Миллий куй ва оҳанглар кечаси", "Сиз музикани биласизми?" викторинаси, "Оҳанглар-эзгуликка етаклар" сингари бадиий-музиқий тадбирлар орқали ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш

билан бир қаторда уларнинг мусиқани тинглай олиш маданиятини ҳам ривожлантиради.

Дарҳақиқат, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида муסיқий тарбиянинг нақадар улкан омил эканлиги янада аён бўлиб бормокда. Шундай экан, ёш авлодни бой муסיқий меросимизни урганишга, енгил-елпи, тумтарок оҳанглардан қочиб, уларнинг бадиий дидини, муסיқий маданиятини кўтаришга, маънавий оламини кенгайтиришга ҳаракат қилмоғимиз керак. Бу борада «Шашмақом» сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналари билан бир бир қаторда жаҳон тан олган Моцарт, Бетховен, Бах, Чайковский, Рахманинов, Хачатурян каби буюк композиторларнинг дурдона асарларини ҳам ўз вақтида ўргатиб, тушунтириб боришимиз зарур.

Буюк ёдгорликлар, маданий ва маънавий меросимизни авайлаб асрашимиз, ёш авлод тарбиясида муסיқа санъатининг энг нодир дурдоналаридан тулақонли фойдаланмоғимиз зарур.

ХУЛОСА ВА АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

Муסיқани тинглай билиш ва ундан завқлана олиш ҳам катта санъат ҳисобланади. Инсонда муסיқа тинглаш маданияти ёшлиқдан ривожлана бошлайди. Бола, муסיқа маданияти дарсларининг барча фаолиятлари жараёнида, муסיқани тинглаб, уни идрок этади. Аммо муסיқа дарсларининг муסיқа тинглаш қисми олдида, ўзига хос жиддий вазифалар туради. Аввало, шуни еслатиш лозимки, инсонда куйлаш имкониятларига кўра, тинглаш имкониятлари анча кенг бўлади. Масалан: миллий чолғу асбоблар ансамбли, оркестр, хор, якка чолғу, чолғу ижросидаги асарларни куйлаб емас, балки фақат тинглаб идрок етиш мумкин. Шунинг учун ҳам муסיқа тинглаш жараёнида ўқувчиларнинг бадиий идроки яхши ривожланиб боради.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосалар қилиш мумкин:

- музыка тинглаш асосида тарбия беришни бугунги кунда оиладан, мактабгача таълим муассасаларидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Бунда қатъий дастурлар ишлаб чиқилишини йўлга қўймоқ, зарур, шу билан бир қаторда турли ҳил аудио ёзувларни МТМ ва умумтаълим мактабларига етказиш масалаларини ишлаб чиқиш;

- ёшларимизнинг миллий музыкамизни тинглай олиш малакаларини шакллантириш ва унга нисбатан мухаббатларини шакллантириш ишлари умумтаълим мактабларида дарсдан ташқари кўнгилочар тадбирлар, санъаткорлар билан учрашувлар тарзида амалга оширишни йўлга қўйиш;

- ўқувчилар билан музыка тинглаш тарғиботини йўлга қўйиш, жонли ижро маҳоратлари юқори бўлган эл ардоғидаги санъаткорлар билан учрашувларни ташкил этиш каби турли кўриниш ва шаклдаги тарғибот ишлари орқали ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида музыка тинглаш маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш ишлари кўламининг кенгайишига эришиш мумкин.

Музыка маданияти дарсларида музыка тинглаш учун куйидаги талабларга кўра асарларни танлаш тавсия этилади.

— ўқувчиларнинг идрокига мос халқ, мумтоз ва замонавий музикаий асарларни тинглаш.

— ўқувчиларнинг музикани идрок этиш ва музикаий асарда тасвир этилган бадиийликни ҳис қилиш қобилиятларини ривожлантириш.

— музыка ҳақида бошланғич маълумотлар бериш, тингланган асарлар номларини эслаш, уларнинг мазмуни, характери ва ифода воситаларининг фарқини билиш ҳамда тингланган асарга маълум даражада баҳо бера олиш.

— музикаий асарларни иштиёқ билан тинглаш ва эслаш, олган таассуротлар ҳақида ўйлаш ва фикр билдириш.

— музыка тинглашда турғун диққат-эътиборни ва тинглаш маданиятини, бошланғич элементларни шакллантириш.

— музикаий дидни шакллантиришга оид қизиқарли, мазмунли асарларни тинглаш.

Бошланғич синф ўқувчиларининг диққат-эътибори унча барқарор бўлмаслиги сабабли, улар ёрқин янграйдиган кичик ҳажмдаги мусиқий асарларни идрок этишга қодир бўладилар. Улар, айниқса, кичик ҳажмдаги қўшиқларни яхши идрок этадилар, чунончи, сўз ва оҳанг бирлиги мусиқанинг мазмунини осон идрок этишга ёрдам беради. Шунинг учун мусиқа ўқитувчиси қўшиқ айтганда ёки бирор чолғу асарини ижро этганда, унинг таниш овози, соф оҳанги, ифодали ижроси, мимикаси ва ишоралари ўқувчиларни мафтун этиши лозим. Шундагина, болаларда бўладиган завқланиш, ажабланиш, қувониш, қайғуриш, ўйланиш каби ҳолатларни кузатиш мумкин.

Янги асар билан илк бор таништиришда ўқитувчининг қисқа, лўнда, мазмунли, қизиқарли кириш сўзи, мусиқа тинглаш жараёнида ҳам муҳим рол ўйнайди. Мусиқий асарни тинглашдан олдин ўқувчиларга маълумот берилса, улар асарни тўлиқ идрок этишга ҳаракат қиладилар. Мусиқий асарни икки-уч машғулот давомида тинглаш шарт. Чунки, ҳар бир тинглашда бола учун асарнинг янги қирралари намоён бўлади ва унга нисбатан қизиқиши ва муҳаббати ортиб боради. Йилдан йилга ўқувчилар ўз ёшига, билим ва малакаларига мувофиқ, мусиқий асарни тўла идрок этишга қодир бўладилар.

1-соатлик дарс сценарийси

Мавзу: “ Бизга ватан жон –Ўзбекистон” А.Мансуров мусиқаси, Н.Нарзуллаев шеъри.

Дарсинг мақсади:

-Ўқувчиларга туғилиб ўсган жойига бўлган меҳр – муҳаббатини ҳамда мусиқий – бадиий воситалар орқали ўқувчи ёшларга миллий истиқлол ғоясини сингдириш.

- уларда қўшиқ орқали кўповозли куйлаш малакаларини шакллантириш.

- жамоа бўлиб куйлаш қобилиятларини шакллантириш.

- мусиқа тинглаш орқали ўқувчиларнинг мусиқий идрокларини ривожлантириш.

Дарснинг методи: аралаш

Дарснинг жиҳози: 6 – синф мусиқа дарслиги, конспект, фортепиано, плакатлар, расмлар. Мавзуга оид буклетлар, болаларни рағбатлантирувчи карточкалар.

Дарснинг бориши:

Ўқувчилар дарсга кириб келишади, саломлашиб давомат аниқланади.

Ташкилий қисм.

Ўқувчиларни дарс бошлашга тайёрлаш, яъни мусиқа дарсида қандай ўтириш керак эканлигини, куйлаганда гавда қандай ҳолатда туришини эслатиб, уларни тўғри ўтказиб оламиз. Болаларни икки гуруҳга бўламиз.

1. “Миллий ғоя” гуруҳи

2. “Демократиячилар” гуруҳи

Ўқитувчи: Қани болалар, кўрамиз бугун қайси гуруҳ дарсга фаол қатнашиб, кўпроқ рағбат карточкаларини йиғади. Қани энди ҳаммамиз тўғри ўтириб, овоз созлаш машқларини бажарасиз.

Овоз созлаш машқлари:

До, ре, ми, фа, соль, ля, си, до

До, ре, ми, фа, соль, ля, си, до (бир неча бор қайради)

До – до, ре – ре, ми – ми, фа – фа,

соль – соль, ля – ля, си – си, до – до

До – ми – соль – ми до (бир неча марта қайтарилди)

Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш:

Ўқитувчи: Қани энди ўтган қўшиқларимизни бир эслаймиз, уйга берган қўшиқни номи нима эди.

Ўқувчи: “Наврўзим – шўх созим”

Ўқитувчи: Қани энди хаммамиз қўшиғимизни бир эслаб оламиз ва биргаликда кейин якка ҳолда сўрайман.

Қўшиқни сўраб бўлгач. Карточкалар билан рағбатлантирилади. Кейин янги мавзу ўтилади.

Янги мавзу баёни:

Ўқитувчи: Биз сизлар билан бугун янги мавзу ўтамыз. Бугунги мавзуйимиз “Бизга ватан жон - Ўзбекистон” қўшиғи ва янги мавзуни ўтиш билан биргаликда ўтган мавзу юзасидан хам савол-жавоб қилиб оламиз.

(Савол ёзилган карточкалар тарқатилади.)

Ўқитувчи: Биз ўтган сафар Михаил Иванович Глинка ҳаёти ва ижодини ўтгандик. Сизлар карточкаларга тайёргарлик кўришингизга қадар мен янги мавзу ҳақида гапириб бераман.

“Бизга ватан жон -Ўзбекистон” деганда аввалом бор хаммамизни кўз олдимизга туғилиб ўсган жойимиз келади. Хамма ўз Ватанини севиб – ардоқлаш, унга муносиб фарзанд бўлиб етишиши лозим. Чунки Ватанимиз бизга тинчликни барча нозу – неъматларни, оппоқ тиниқ сувларини, гўзал табиатини берди.

Бизни ватанимиз Ўзбекистон тўғрими?

Ўқувчилар: Ҳа

Ўқитувчи: Шундай экан, биз Ватанимизни ҳимоялашимиз, унга муносиб фарзандлар бўлишимиз хамда Ўзбекистон номини жаҳонга ёйишимиз,

қўшиқларимизда уни мадҳ этишимиз лозим. Ватанимиз урф-одатларига ҳурматимизни кўрсатишимиз, ватанимиздан фахрланишимиз керак. Мана бугунги мавзуимиз бўйича ҳам анчагина маълумотга эга бўлдик. Энди эса тарқатилган саволли карточкаларга жавоб берасиз.

Ўқувчилар: Саволга жавоблари.

1. Чет эл композиторларидан санаб беринг? – М. Глинка, В. Моцарт, Л. Бетховен, Ф. Шопен.

2. Ватанни нима учун онага қиёслаймиз? – Чунки она каби бизни ўз бағрида катта қилганлиги ва нозу-неъматларидан баҳраманд қилгани учун.

3. Комил инсон деганда нимани тушунасиз? – Комил инсон одобли ота – онасини ҳурмат қиладиган ва ҳар томонлама етук инсонга айтилади.

4. Бутун нота нечага саналади, дирижёрлик қилиб кўрсатинг.

- Бутун нота 4 и га саналади.

Муסיқа саводи:

-Ўқувчилар бугун биз сизлар дилан дирижёрлик ҳаракатларини ўрганамиз.

Дирижёрлик ҳаракати кўрсатилиб, улар ҳаммаси ўрнидан туриб, биргаликда бажаришади.

Янги қўшиқ – “Бизга ватан жон - Ўзбекистон”

Н.Нарзуллаев шеъри, А.Мансуров муסיқаси.

1. Ўлчови - 4/4
2. Темпи – Allegro - (тез)
3. Тоналлилиги – ре мажор
4. Асарда кириш қисми бор.
5. Асарни бошланиши 8 такт муסיқий давридан иборат

6. Асарда бутун, ярим, чоракталиқ, нота чўзимлари бор
 7. Асарда бутун, чорак паузалар учрайди.
 8. Асар ўртасида тоналлиги ўзгаради.
 9. Асар жами 34 тактдан иборат
 10. Динамик белгилардан : F, лига, mf бор
- Кўшиқ жумлаларга бўлиб ўрганилади.

Муסיқа тинглаш:

Ўқитувчи: Болалар энди ҳаммамиз диққат билан тинглаймиз. Мен сизларга куй чалиб бераман, сизлар эса бу куйни қайси кўшиқдан эканлигини айтиб, нимани тасаввур қилганингизни айтиб берасиз .

“ Пахта рақси” кўшиғи ижро этилди.

Ўқувчилар: Болалар гуллар териб юришибди, баҳор ҳақидаги кўшиқ.

Ўқитувчи: Яхши яна ким айтади.

Ўқувчи: Ёмғир ёғаяпти, шуни тасаввур қилдим,. Ёмғир ҳақидаги кўшиқ.

Ўқитувчи: Бу кўшиқ “Пахта рақси” деб номланади Дилором Омонуллаева муסיқаси, демак далазорларда одамлар пахта тераётгандаги жараённи эслатувчи куй экан.

Дарс якуни:

Ўқитувчи дарсга якун ясаб, фаол қатнашган ёлиб ўқувчиларни рағбатлантириб, уларни баҳолайди. Ёлиб гуруҳни аниқлаб, уларни олқишлайди.

Уйга вазифа:

Ўқитувчи: Ўтилган мавзунини мустахкамлаб, янги кўшиқни ўрганиб келиш.

Дарсимиз тугади. Хайр.

Ўқувчилар: Хайр устоз!

МУСИҚИЙ ТАРБИЯВИЙ ТАДБИР

Мавзу: “ 9 Май-Хотира ва қадрлаш куни! ”

Дарсинг мақсади: Ўқувчи ёшларга хотира – нима ва кадр – нималигини тушунтириб бериш.

Дарсинг мақсади: Ўтиб кетган ота – боболаримизни ҳамда ҳозирги қарияларимизни ҳурмат қилиш ва қадрлашга ўрганади.

Ривожлантириш: Бу байрамни яънада каттароқ – дабдабали ўтказиш ва ҳозирги замон технологияларидан фойдаланган ҳолда яънада қизиқарли қилиб ўтказиш.

Дарсинг методи: аралаш.

Дарсинг жиҳози: Кўргазмали қуроллар, мақол ва ҳикматлар, расмлар, плакатлар, керакли жиҳозлар.

Дарсинг бориши:

Синф хонаси ва ўқувчиларга тадбирга тайёр.

Ўқитувчи: Кўнғироқ чалинган синф хонага кириб келди, ўқувчилар билан саломлашди. Журнални очиб давоматни аниқлади. Ўқувчиларни дарсга ҳозирлаб, бугунги санани, ҳамда бугунги тарбиявий соатимиз мавзусини ёздирди.

Ўқувчиларга ўтиб кетганлар хотираси учун уларни ўрниларидан туришларини сўраб, Ўзбекистон мадҳиясини куйлатди.

Ўқитувчи: Мана бугун Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган кечамизни очиқ деб эълон қиламиз! Ўтиб кетганларни хотирлаб ва қарияларимизни қадрлаб, бугунги байрамона тадбиримизни бошлаймиз.

Азиз ўқитувчилар, 5 – “Б” синф бугун ўзлари дастур тайёрлаб келишган. Буларни эшитишдан олдин шу мактабимизни бунёд бўлишида катта ҳисса қўшган инсон, 1970-йилдан 2004 йилгача директорлик лавозимида ишлаган Икромов Ақром акани бир хотирлаб ўтиб, улар учун 1 дақиқа сукут сақласак, илтимос!

Рахмат, энди навбат 5 “Б” синф ўқувчиларига,

Ўқувчи: “Хотира деганда биз бу фоний дунёдан ўтган аجدодларимизни эслаб, уларни чироғини ёқиб, эзгу ишларни давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазилатдир”. – деган эди Президентимиз Ислам Каримов 1999 йил 9 – майда ўтказилган Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимидаги сўзида. Қадрлаш дегани – бу асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини, мардлик ва шижоат билан химоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир. Ҳаётнинг кўп – кўп синовларини, азоб – уқубатларини бошидан кечирган, Ватан учун, эл – юрт учун, мана шу соф осмонимиз учун жон олиб жон берган, бугун ҳам сафларимизда юрган меҳрибон ота – боболаримизни, олийжаноб инсонларни эъзозлашдир.

Ўқувчи: “Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида, англашни, одамийлик, фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз”. Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган минглаб юртдошларимизнинг номи ҳам, жасорати ҳам барчамизга маълум ва ҳеч қачон унутилмайди.

Ўқитувчи: Рахмат, эндиги навбатни шу синф ижросида сахна кўринишитомаша қиламиз. Мустақилликка эришмасимиздан олдин ота – боболаримиз урушга ўз ўғлонларини мана бундай юборган... (Сахна кўриниши).

Ўқувчи: Вой тўхтанглар ўғлимни бермайман, ҳамма кетганларни қорахати келяпти, ўғлимни олиб кетманглар илтимос...!

Ўқитувчи: Ҳозир мустақилликка эришганимиздан сўнг эса мана бундай ҳарбий хизматга жўнатишади.

Ўқувчилар: Болам яхши бориб кел, катта – катта овқатлангин хайр.

Ўқитувчи: Бу бмлан нима демоқчимиз Мустақиллик бизга кўп неъмат берди, тинчлик хотиржамлик берди. Ҳозир сизларга мустақиллигимизга бағишланган шеъримни ўқиб бермоқчиман!

“ Ўзбекистон” М.Юсуф шеъри

Хумо кушларингга тилайман парвоз
 Синмасин хурликни мадх айлаган соз
 Истиклол кўшиғин айлаб сарафроз
 Юксалдинг фаровон Ўзбекистоним
 70 – йил яшадинг дардкаш дил билан
 Тўтидек шивирлаб ўзга тил билан
 Энди бахтиёрсан қўлда гул билан
 Йўлларинг чароғон Ўзбекистоним

Ўқитувчи: Энди эса ҳаммамиз севиб куйлайдиган, бирга ўрганган, мустақиллик ва дўстликка бағишлаб айтган кўшиғимизни айтамыз.

“ ЎЗБЕКИСТОН ДЎСТЛИК ДИЁРИ!”

Н.Нарзуллаев шеъри, А.Мансуров мусиқаси.

Ўқитувчи: Ўзбекистон

Ўқувчилар: Ўзбекистон

Ўқитувчи: Дўстлик диёри

Ўқувчилар: Дўстлик диёри

Ўқитувчи: Ғаниматдир

Ўқувчилар: Ғаниматдир

Ўқитувчи: Ғаниматдир дўстлар дийдори

Ўқувчилар: Ғаниматдир дўстлар дийдори

Нақорат

Хамма:

Ранг-барангдир тилларимиз хам

Муштаракдир дилларимиз хам

Қон қандошлик севги туфайли

Нурафшондир йўлларимиз хам

Ўқитувчи:

Дўстим сенинг тилингда недур

Ватан дўстлик тинчлик дегани

Ватан дўстлик тинчлик дегани

Ўқувчилар:

Мазерленд, френшип энд пис

Дўстим сенинг тилингда недур

Ватан дўстлик тинчлик дегани

Ватан дўстлик тинчлик дегани

Ўқитувчи: Хаммага раҳмат, энди ўқувчиларимизни ўзи “Хотира ва Қадрлаш” кунига бағишлаб ёд олиб келган шеърларига навбатни берамиз. Марҳамат:

Ўқувчилар:

Сен менинг бобомсан хотира, сен менинг момомсан кадр

Бир узун йўлларда ... хотира, бир узун йўлларда ... кадр...

Поезд тайёр жўнамоққа, вокзал тўла йигитга

Бугун она жўнатади ,ўз ўғлини фронтга

Хайр ўғлим чироғим, кўзим – оқу қораси

Билгинки билинади жангларда, мард ўғилнинг сараси

Бошингда порлаган байроқ, бу хурликдан нишона юртим

Умид қилдинг етиб келди, ажойиб бир замон юртим

Қўлингга олиб экингни ,севдинг сарбаланд бўлдинг

Ахил бўлди фарзандларинг, хақиқат сен томон юртим.

Ўқитувчи: Хаммангизга раҳмат! Мана бугунги тарбиявий соатимизга якун ясаймиз.

Ҳурматли ўқитувчилар ва ўқувчилар! Бугунги “9 – май Хотира ва Қадрлаш” кунига бағишлаб ўтказилган кечамизни якунлаймиз, барчангизни қалбингизда “Хотира ва Қадр” тушунчаси ҳеч қачон сўнмаслигини тилаб қоламан ва сизлар билан хайрлашаман, хайр.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” – Т . 2011 йил
2. Каримов И.А. “Юксак маънавият енгилмас куч” – Т.: Маънавият 2008 йил.
3. Педагогика Р.Мавланова, О.Тўраева, К.Холиқбердиев – Т.: Ўқитувчи 2001 йил
4. Педагогика фанидан изоҳли луғат Ж. Итбоев ва бошқалар– Т.: Фан ва технология 2008 йил.
5. Жалилов М.Р. Кушиқлар хрестоматияси. 1 -китоб. ТДПУ, 2000.
6. Жалилов М.Р. Кушиқдар хрестоматияси. 2-китоб. ТДПУ, 2003.
7. Жалилов М.Р. Садиров Ж.С. Кушиқлар хрестоматияси. Т. 1995.
8. I-IV синф “Муסיқа маданияти” дастури – Т.: Шарқ I-IV синф 1999 й.
9. Муסיқа. 3-синф учун дарслик. Нурматов Ҳ., Норхўжаев Н. –Т., 2002.
10. Муסיқа. 4-синф учун дарслик. О.Ибрагимов. –Т., 2004.
11. Муסיқа. 5-синф учун дарслик. Мансуров А., Каримова Д. –Т., 2004.
12. Муסיқа. 6-синф учун дарслик. Бегматов С. ва бошқалар. –Т., 2001
13. Муסיқа. 7-синф учун дарслик. Иброҳимов О., Садиров Ж. –Т., 2004.

<http://www.guldu.uz/>

<http://www.gduportal.uz/>

<http://www.ziyonet.uz/>

Гулистон давлат университети педагогика факультети

“Муסיқа таълими” таълим йўналиши 4-курс талабаси

**Исмоилова Фариди “Муסיқа тинглаш жараёнида ўқувчиларда
муסיқий дидни шакллантириш йўллари” мавзусидаги
битирув-малакавий ишига**

ТАҚРИЗ

Тадқиқотчи Исмоилова Фариди танланган битирув-малакавий ишининг мавзуси долзарбдир. Айтиш мумкинки, муסיқа санъати инсоннинг туйғуларини ривожлантириш баробарида шахсда қувонч хиссини пайдо қилади унинг муסיқий дидини шакллантиради. У атрофдаги гўзал нарсаларни тўғри идрок этишга ва қадрлашга ўргатади. Мактабда ўқувчиларнинг муסיқа тинглаш жараёнида ўқувчиларда муסיқий дидни шакллантириш йўлларида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Тадқиқотчи БМИ мавзуси ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради.

БМИнинг кириш қисмида Исмоилова Фариди мавзунинг долзарблигини кенг ва чуқур таҳлил қилган.

БМИнинг 1-бобида “Муסיқа маданияти” дарсларида муסיқий дидни шакллантириш йўллари мақтаб ўқувчиларида ривожлантиришнинг аҳамияти ҳақида фикрлар акс эттирилган.

2-бобида Муסיқа тинглашда ҳиссиёт, идрок тарбиясини амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари шакллантиришни ривожлантиришнинг имконияти, шакл ва услублари акс эттирилган .

БМИнинг хулоса қисмида ишонарли амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Исмоилова Фариданинг “Муסיқа маданияти” дарсларида муסיқий дидни шакллантириш йўллари ” мавзусидаги тадқиқот иши тугалланган бўлиб, БМИнинг талабига жавоб беради ва ҳимояга тавсия этилади.

Гулистон давлат университети педагогика факультети

«Муסיқа таълими» таълим йўналиши 4-курс талабаси

**Исмоилова Фарида “Муסיқа тинглаш жараёнида ўқувчиларда
муסיқий дидни шакллантириш йўллари” мавзусидаги
битирув-малакавий ишига**

ТАҚРИЗ

Тадқиқотчининг танланган битирув-малакавий ишининг мавзуси ўта долзарблиги билан ажралиб туради. Ҳар бир жамиятнинг маънавий даражаси, билими истеъдодли, қобилиятли ва ўқувли инсонларни қадрлаш уларга алоҳида ғамхўрлик қилиш камол топиши учун етарли шарт – шароитларни таъминлаб бериш билан белгиланади. Муסיқа дарсларида ўқувчиларнинг муסיқа тинглаш жараёни ўқувчиларда муסיқий дидни шакллантиришда ҳам катта ёрдам беради.

Тадқиқотчи Исмоилова Фариданинг

БМИ мавзуси ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Битирув малакавий ишининг таркибий қисми кириш, 2 та боб, 4 та бўлим, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишнинг 1-бобида “Муסיқа тинглаш жараёнида ўқувчиларда муסיқий дидни шакллантиришнинг тарихий ва назарий асослари” деб номланиб, муסיқий дидни шакллантиришнинг тарихий-назарий асослари келтирилган.

Битирув малакавий ишнинг 2-боби “Муסיқа тинглашда ҳиссиёт, идрок тарбиясини амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари” деб номланган бўлиб муסיқа дарсларида Муסיқа тинглашда ҳиссиёт, идрок тарбиясини амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари хақида фикр юритилган. Ишнинг мақсади ва вазифалари тўғри шакллантирилган, тадқиқот методларидан тўғри фойдаланилган. Тадқиқотчи Ф.Исмоилова олиб борган илмий изланишлар натижасига асосланиб хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиққан. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати мавзу мазмунига тўғри келади.

Ф.Исмоилова “Муסיқа тинглаш жараёнида ўқувчиларда муסיқий дидни шакллантириш йўллари” мавзусидаги битирув малакавий иши амалдаги Низом талабларига жавоб беради ва тугалланган тадқиқот сифатида ҳимояга тавсия этса бўлади.

Гулистон шаҳар ихтисослаштирилган

интернат мактаб директори

Б.Бобоназаров